

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ
Янгиликлар, воқеалар

ҚИСҚА САТЛАРДА

□ **БУГУН** Бектемир туманидаги Марказий кутубхонада «Миришкор» маҳалласи ва 293-мактаб маъмурияти ҳамкорлигида ўқитувчилару ўқувчилар ҳамда китобхонлар иштирокида Болаларни химоя қилиш халқаро куни муносабати билан «Фарзандларимиз — бизнинг келажакимиздир» мавзусида бадиий кеча ўтказилди.

□ **БУГУН** Сергели туманидаги «Сергели» истироҳат боғида ёш ҳаваскор жамоалар иштирокида ўтказилган фестивал «Сени ҳеч кимга бермаймиз, Ўзбекистон!» деб номланди.

□ **ТОШКЕНТ** фармацевтика институтини ушбу олий ўқув юртини бундан йигирма йил аввал битирган курсдошларнинг устоз ўқитувчилари иштирокида ўтказилган учрашуви ҳақиқий шодиёнага айланиб кетди.

□ **ТОШКЕНТ** ирригация ва қишлоқ ҳўжалигини механизациялаш муҳандислари институтини Мирзо Улугбек тумани ҳокимлиги ва Республика «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг туман бўлими ташаббуси билан институт талабалари иштирокида ёшлар муаммоларини ҳал этишга бағишланган анжуман ўтказилди.

□ **ЎТГАН** куни Жиззах вилоятида ўтказилган футбол бўйича мамлакат X миллий чемпионатининг 14-туридаги «Сўғдиёна» — «Пахтакор» учрашуви 1:3 ҳисобида меҳмонлар галабаси билан тугади.

МАҲАЛЛАНГ — ОТА-ОНАНГ

Яна ишонч билдирилди

Чилонзор туманидаги «Дўмбиробод» маҳалласида бўлиб ўтган фуқаролар йиғилишида маҳалла фаоллари кўп йиллардан бери оқсоқол сифатида фаолият кўрсатиб, маҳалланинг обод бўлишига муносиб ҳисса қўшиб келадиган Усмон ота Абдуллаевни яна оқсоқол этиб сайладилар.

Кейинги йилларда баҳариланган ишлар юзасидан маҳалла оқсоқолининг ҳисоботидан маълум бўлдики, ушбу маҳалла мустақиллик шарофати туғайли янада гўзал ва обод масканга айланди. 16 минг 880 нафар аҳоли истикомат қилувчи «Дўмбиробод»-да 2163 та шахсий ҳовлидан ташқари 61 та кўп қаватли уйлар ҳам мавжуд бўлиб, айни кунларда маҳалла фуқаролар йиғини ташаббуси билан каналлизация тармоғи қурилиши жадал сўрғатда давом этаётганлиги, келажакда 0,5 гектар ерда янги спорт мажмуи ва гузар қурилиши режаси ишлаб чиқилганлиги, бу ишларни амалга оширишга маҳалла имкониятлари етарли эканлиги, айни кунларда маҳаллада 3 та мактаб, болалар ва катталар поликлиникаси, 2 та новвойхона, гузар, сартарошхона, 5 та магазин, дорихона, касб-ҳунар билим юрти ва маҳсус интернат фаолият олиб бораётганлиги таҳсинга сазовор. Шунингдек, маҳаллада 2 ёшли фарзандлари бор 136 нафар ҳамда 16 ёшгача бўлган фарзандлари бор 31 та оила нафақа пулларини ўз вақтида олаётганликлари ижтимоий химояга эътибор қўйирилганидан далолат беради. Дарвоқе, айрим маҳаллаларда моддий ёрдам пули олувчи оилалар сони кўп бўлса, «Дўмбиробод»-да 4 нафар фуқарогагина моддий ёрдам берилганлиги, қолганлар ушбу пулга муҳтож бўлмаётганлигини эшитган маҳалладошлар қарсағи анча вақтгача тинмади.

Оқсоқолнинг ҳисоботи юзасидан музокара-ларда сўзга чиққан Фуқаролар Бозорбой Худинов, Шукурхожи Раҳматов, Карим Пўлатов, Нўмон Тошпўлатов, Назира Норбоева ва Муборак Мирвоҳидовлар унинг фаолиятига яхши баҳо беришди.

Йиғилишда маҳалла фуқаролар йиғини раисининг маслаҳатчилари, хотин-қизлар кенгаши раиси, тафтиш комиссияси аъзолари янги таркиби ҳам сайланди.

Ақбар ЙҮЛДОШЕВ

1 июнь — Болаларни химоя қилиш халқаро куни



Бола кулса олам кулади

Дарҳақиқат шундай. Юртимизда фарзандларимизнинг ҳар томонлама камол топшиши йўлида кўп сазй-ҳаракатлар қилинмоқда. Оналар ва болалар йили муносабати билан қабул қилинган «Она ва бола» Давлат дастурида бу борада бажарилиши керак бўлган барча тадбирлар аниқ баён этилган. Бинобарин, бугун, Болаларни химоя қилиш халқаро куни муносабати билан юртимизда, унинг гўзал пойтахтида ўтказилаётган бири-биридан ранг-баранг тадбирлар ҳам келажак авлодларнинг соғлом ва баркамол инсонлар бўлиб етишиши йўлида амалий ишлардан берибди.

Маълумки, болаларга янада яхши ҳаёт яратиш, уларни химоялаш максасида «Болалар учун «ХА!» деб овоз беринг!» шiori остида дунёнинг ҳар бир бурчагида инсонлар фикрини билиш учун ўтказилаётган кампания Халқаро ҳаракатни ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади. Ушбу кампания ҳамда Болаларни химоя қилиш халқаро куни муносабати билан Ўзбекистон Болалар жамғармаси, Тошкент шаҳар ва вилоят ҳокимликлари, бошқа жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда «Болалар химояси ҳафталигини» ўтказмоқда. Етти кун мобайнида белгиланган дастур бўйича ранг-баранг тадбирлар ўтказилади. Бинобарин, бугун ва 7 кун мобайнида пойтахтимизнинг энг сўлим гўшаларидан бўлиши Бобур, Мирзо Улугбек, «Боғи Эрам» ва бошқа истироҳат боғларида омавий сайиллар ўтказилади, унда марокли концерт дастурлари намойиш этилади. Бундан ташқари тасвир санъат, ёғоч ўймакорлиги, бадиий каштачилик бўйича болалар ижоди кўргазмалари ўтказилади. Шу ҳафталик мобайнида кинотеатрларда болалар кинофильмлари намойиш қилинади. Бундан ташқари етим болаларни тарбиялаётган оилалар ҳузурига, кам та-

минланган оилалар, болалар муассасаларига таширғи буюрилади. Шунингдек, болалар даволаш муассасаларига ҳам борилади. Бир сўз билан айтганда, бола манфаатлари химоясига бағишланган Халқаро ҳаракат доирасида ўтказилаётган «Болалар учун «ХА!» деб овоз беринг!» шiori остидаги «Болалар химояси ҳафталиги» тадбирлари ўзининг ранг-баранглиги билан киши диққатини жалб этади...

БУГУН

Болаларни химоя қилиш халқаро куни муносабати билан юқорида таъкидлаб ўтилганидек, пойтахтимизнинг кўплаб сўлим гўшаларида қизиқарли тадбирлар ўтказилмоқда.

Жумладан, «Боғи Эрам» истироҳат боғида «Биз сенинг содиқ фарзандларинг-миз, Ўзбекистон!» фестивали ташкил қилинди. Шаҳар халқ таълими бош бошқармаси ва қўшимча таълим мажмуи уюштирган ушбу тадбирда умумтаълим мактаби ўқувчилари, техника, ўлкашўнослик, савёҳлик мажмуалари ўқувчилари, бошланғич болалар ва ўсмирлар ташкилотлари вакиллари қатнашмоқдалар.

Ўзбекистон Миллий боғида кеча кун бўйи ўтказилган байрам сайли ҳам ўз дастурининг ранг-баранглиги билан ажралиб турди. Бобур номидаги истироҳат боғидаги бугунги тадбир «Бола кулса олам кулади» деб номланди.

Бир сўз билан айтганда, Болаларни химоя қилиш халқаро кунига бағишланиб, пойтахтимизда ўтказилган ва яна етти кун давом этадиган «Болалар химояси ҳафталиги» тадбирлари унинг ҳар бир қатнашчиси қалбида узоқ вақт сақланиб қолажак! (Ўз муҳбиримиз).

• Болаларни химоя қилиш халқаро кунига бағишланган бошқа мақоаларни газетанинг иккинчи саҳифасида ўқийсиз.

ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИДА

Илмий-амалий анжуман

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 10 йиллигига бағишлаб Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Тошкент шаҳар Маънавият ва маърифат Кенгаши ҳамда шаҳар хотин-қизлар қўмитаси томонидан «Она ва бола маънавияти — юртимиз таянчи» мавзусида илмий-амалий анжуман ўтказилди.

Анжуманда Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари, шаҳар хотин-қизлар қўмитасининг раиси Фарида Абдурахимова сўзга чиқиб, «Она ва бола» Давлат дастурининг мақсад ва вазифалари тўғрисида, шунингдек, оилда маънавият масалалари, оиланинг жамиятдаги ўрни, она ва бола саломатлиги бугунги кундаги муҳим масалалардан эканлиги хусусида тўхтади. Шунингдек, шаҳар перинатал маркази гинекологичи Н. Юсупова «Ўсмир қизларни оналикка тайёрлаш — фарзанд соғлигининг асосий гарови», Акмал Икромов туманидаги «Она ва бола» маркази директори Х. Султонов «Болани жисмоний жиҳатдан соғлом ўстириш муаммолари», Маънавият ва маърифат маркази Тошкент шаҳри бўлими раҳбари С. Салимов «Она ва бола маънавияти — юртимиз таянчи» мавзусида ва бошқалар сўзга чиқиб она, аёл ҳақ-ҳуқуқларининг химоя қилиниши, оналар ва балоғат ёшидаги ўсмир қизларнинг саломатлиги масалаларига батафсил тўхтадилар.

«Она ва бола» Давлат дастурига бағишланган ушбу анжуманда туман хотин-қизлар қўмиталарининг расмлари, маҳалла хотин-қизлар кенгашларининг расмлари, коллеж, лицей ҳамда олий ўқув юртлири ёшлар ҳаракатининг вакиллари қатнашдилар.

«Тошкент Оупен» турнирига тараддуд

Илгари хабар қилганимиздек, шу йилнинг 9-17 июнь кунлари шаҳримиздаги «Динамо» теннис кортиларида «Тошкент Оупен» халқаро аёллар турнири бўлиб ўтди.

Тошкент шаҳар ҳокимлигида «Тошкент Оупен» халқаро аёллар теннис мусобақасини ўтказиш ташкилий қўмитасининг йиғилиши бўлиб ўтди. Уни Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари, ташкилий қўмита раиси ўринбосари Эркин Эрназаров олиб борди.

Унда сўзга чиққан «Динамо» теннис кортининг директори А. Ёлхин турнирни кўнгилдагидек ташкил этиш юзасидан шу кунгача бажарилган ишлар ва режаланаётган юмушлар тўғрисида маълумот берди. Мирзо Улугбек тумани ҳокими А. Мақжидов эса корт атрофларини ободонлаштириш, орасталаш, турнир офиси ва матбуот марказини компьютер, факс ва бошқа ташкилий техника воситалари билан таъминлаш ишлари тўғрисида тўхталиб ўтди. Сўзга чиққан бошқа мутасаддилар ҳам алоқа тизимини ташкил этиш, автотранспорт хизмати билан таъминлаш, безаш ишлари қандай амалга оширилаётгани тўғрисида маълумот бердилар. Йиғилиш сўнгида барча тегишли ташкилотларга турнирни ташкил этиш чорасидан топшириқлар берилди.

Мамлакатимизда

• **Кеча** Ўзбекистон Республикаси Олий Мақлисида «Йод танқислиги муаммолари» мавзусида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди. Уни Олий Мақлисининг Ижтимоий масалалар ва Бандлик қўмитаси республика Эндокринология институтини билан ҳамкорликда ташкил этди.

• Корхоналар банкротлиги ва санацияси масалалари бўйича ҳукумат комиссиясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда иқтисодий ноҳор корхоналар билан олиб борилаётган ишлар ва банкротлик тўғрисидаги қонунларнинг уларга нисбатан қўлланиши аҳоли кўриб чиқилди.

• Макроиктисодиёт ва статистика вазирлиги биносида Ўзбекистон Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатасининг тўртинчи курултойи бўлиб ўтди.

• Тошкент Давлат техника университетини республикамизнинг барча таълим муассасаларида «Мустақиллик дарслари»ни ўтказишни ташкил этишга бағишланган семинар бўлди.

• Вазирлар Маҳкамасида Болаларни соғломлаштириш ва дам олдириш бўйича республика комиссиясининг ана шу масалага бағишланган кенгайтирилган мажлисида 2001 йил мавсумига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш чора-тадбирлари муҳокама қилинди.

• Ўзбекистон Бадиий академиясида «Греция—Ўзбекистон. Қадимги маданият алоқалар» кўргазмаси очилди.

Жаҳонда

• **Бугун** Минскда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо мамлакатлар (Туркменистондан ташқари) Президентларининг учрашуви очилди.

• **Кеча** Минскда МДҲга аъзо мамлакатлар саммити олдидан Россия, Арманистон ва Озарбайжон Президентлари учрашиб, тоғли Қорабоғда вужудга келган вазитини барқарорлаштириш хусусида сўхбатлашдилар.

• **Кеча** Россия ва Беларусь ўртасида пўл бирлиги ҳақидаги шартнома кучга кирди.

• Фаластин мухторияти раҳбари Ёсир Арофат амалий таширғи билан Дания пойтахтига келди. Унинг мақсади Яқин Шарқ муаммоларини ҳал этиш борасида европалликларнинг кўмағига эришишдир.

• Москвада Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ва Болтиқбўйи мамлакатлари миллий кинематографияларининг бешинчи форуми очилди. Унда ўзбек кинематографларидан иборат делегация ҳам иштирок этмоқда.

• **Бугун** дан бошлаб Қирғизистонда мамлакат Президентининг маҳсус фармони билан «Халқ ўқитувчиси» фахрий унвони жорий этилди.

• **Кеча** Украинадаги Россиянинг биринчи элчиси Виктор Черномирдин ўз вазифасини бажаришга киришди.

• **Кеча** Россиянинг Беларусьдаги элчихонаси ҳудудида портлаш юз берди. Текширувлар олиб боришмоқда.

• Россиянинг Тверь шаҳрида кураш бўйича 15-16 ёшли ўсмирлар ўртасида иккинчи жаҳон чемпионати бўлиб ўтди. Унда 10 мамлакатдан келган 200 га яқин пўл полвонлар беллашди.

1 ИЮНЬ — БОЛАЛАРНИ ҲИМОЯ КИЛИШ ХАЛКАРО КУНИ

Дунёда ўзбек халқидек болажон, болапарвар, фарзандига ўта меҳрибон халқ бўлмаса керак. Ҳа, оналар учун фарзанддан ортиқ бебаҳо бойлик йўқ. Фарзанд оила қувончи, шон-шарафи, ёруғ юлдузи.

Ҳаммамизга маълумки, ўтган йили шахримизда илк бор «SOS-болалар маҳалласи» ташкил этилди. Яқинда ушбу масканга ташриф буюриб, бу ерда яшайтган оналар ва болалар ҳаёти билан танишдик ва бу меҳр-муруват масканининг айни кунлардаги фаолияти билан қизиқдик.

— SOS — «Киндердорф интернационал» — носийсий, халқаро хайрия ташкилот бўлиб, дунёнинг 130 дан ортиқ мамлакатда ўз фаолиятини олиб боради, — деди биз билан суҳбатда «SOS — болалар маҳалласи» уюшмаси директори Алишер Алиматов. — Ушбу халқаро жамият етим ва кам таъминланган болаларнинг уй-ғун ўсиб-улғайиши учун шарт-шароит яратди. Улардан бири «SOS — болалар маҳалласи» лойиҳаси бўлиб, унинг вазифаси миллатидан ва диндан қатъи назар етим ва кам таъминланган болаларнинг оилавий муҳитда тўлақонли тарбияланишига ва келажақда жамиятда ўз ўрнини топишига ёрдам беришидир.

SOS — Ўзбекистон болалар маҳаллалари уюшмаси 1998 йилда ташкил этилди. 2000 йил Тошкент шаҳрида 14 та оилавий уйлардан иборат биринчи «SOS — болалар маҳалласи» ўз фаолиятини бошлади. Бу ерда болалар учун боғча ва поликлиника ҳам мавжуд. Она меҳри ва оилавий муҳит боланинг соғлом ўниб-ўсишида, улғайишида ҳамда жамиятга ўз ҳиссасини қўшишида муҳим вазирани бажаради. Болалар маҳалласида ҳар бир бола меҳр-муруват деган инсоний туйғулардан баҳраманд бўлади. Ушбу маҳалла қурилиши, таъминланиши ва фаолият юритиши SOS — «Киндердорф интернационал» халқаро хайрия жамияти ҳисобидан амалга оширилади. Ушбу маблаглар ногирон, етим ва кам таъминланган болалар учун минглаб инсонлар томонидан хайрия қилингандир.

Ҳозирги кунда «SOS — болалар маҳалласи» да 14 та оила мавжуд бўлиб, 54 нафар 1,5 ёшдан то 10 ёшгача бўлган соғлом болалар она-тарбиячилар бағрида тарбияланмоқдалар. Она-тарбиячилар қарамоғида иккитадан саккизгача бўлган турли миллатга мансуб болалар бўлиб, оналар бу етим болаларга ўз фарзанд-



ларидек меҳр билан тарбия бермоқдалар. Ҳар бир оилада она ва болалар учун барча шарт-шароитлар муҳайё.

Ўтган йили 400 нафар аёл ўртасида она-тарбиячилар учун танлов ўтказилиб, танлов шартларига тулик жавоб берган голиб 14 аёл она-тарбиячиликка номзод бўлдилар. Шунингдек олтита хола ҳам она-тарбиячилар қатори танлов асосида қабул қилинганлар. Улар она-тарбиячиларга уй-рўзгор юмушлари билан бирор жойга кетишганда болаларга қараб туришади.

Ҳа, бу масканда қалби меҳр-муҳаббатга тулик, меҳри гуё кашмадек саҳий ва болажон аёллар етим болаларнинг бошини силаб, ўксик қалбларига малҳам бўлиб, бутун умрларини шу норасида гўдақларга бахшида этиб яшамоқдалар. Биз меҳри дарё она-тарбиячилар билан суҳбатлашиб бунга ишонч ҳосил қилдик.

— Мен асли Бухороданман, — дея ўзини таништирди Зиёда Хадихўжаева. — 13 йил турмуш ўртоғим билан аҳил, иноқ яшадик, лекин, афсус фарзанд кўрмадик. Фарзандга зор эдим. Болалар маҳалласи ҳақида эшитиб, танловда қатнашишга аҳд қилдим. Насиб қилган экан, икки фарзанд олдим ва ҳозирги кунда 8 та фарзандли бўлиб, шу етим болаларга бор меҳримни, ҳаётимни бахш этмоқдаман. Уларни ўз боламдек севиб, ардоқлайман, бири-биридан ширин рус, татар, корейс, ўзбек миллатига мансуб болаларга ўзбекча ном қўйиб, ўзбек тилида сўзлашишга ўргатдим. Улар ҳам мени ўз оналаридек кўриб, бағримга талпинишади. Менсиз туришолмайди. Бу ердаги шарт-шароитлардан жуда ҳам мамнунман. Оллоҳ берса яна икки фарзанд олиш ниятим бор. Болалар жону дилим. Ниятим шу фарзандларимга меҳр бериб, яхши тарбия бериш, уларнинг келгусида барқамол, соғлом, жамиятимизга фойдаси тегадиган зиёли инсонлар бўлиб етишишларини истайман.

Ҳа, бу маскандаги оналар билан суҳбатлашганимизда уларнинг дилидаги эзгу ниятлари битта эканлиги, фақат фарзандлари — умид юлдузларининг порлоқ келажаги, бахт-саводати эканини англадик. Зеро мамлакатимизда Оналар ва болалар йилида биз ҳам бу меҳр-муруватли оналар ва болаларга доимо соғлиқ-саломатлик, фаровон турмуш тилаймиз.

Дилором ИКРОМОВА СУРАТЛАРДА: «SOS — болалар маҳалласи»да.

Тоҳир Нигматуллин олган суратлар.

ФАРЗАНДЛАРИНГИЗГА ЎҚИБ БЕРИНГ

Сув нега хафа?

Болажонларим, орангизда бир кеча-кундуз сув ичмаган тенгқуларингиз топилмаса керак-а?

Сув бу — оби ҳаёт, сувсиз ҳаётимизни тасаввур қила олмаймиз. Сув бўлмаса ер юзида ҳаёт ҳам бўлмайди. Ҳуш, шундай экан, нега баъзи тенгқуларингиз зилол сувларни хафа қилиб қўймоқда.

Келинг, яхшиси бу ҳақда зилол сувнинг ўзи гапириб бера қолсин:

— Мен неча асрлардан бери тоғу товлар бағрига ёққан қорлардан пайдо бўлиб, эриб сув шаклига кирган, инсонлар яшайдиган маконга йўл оламан. Мен борган жойда йўл-йўлакка боғу роғлар қад кўтаради, инсонлар мазза қилиб тўйиб-тўйиб ичишади. Шу орада барибир бир ноҳушликни айтишга мажбурман. Бъзан ёш болалар оқиб келаётган йўлимга тўғаноқ бўлиб

бағримга турли хилдаги чикиндиларни ташлаб таъбимни хира қилишади. Яна у ҳам етмагандек баъзилари бетимга туфлашади. Шундай бўлсада, мен йўлимда давом этавераман. Аммо яна бироз юрганидан кейин мени қутиб турган инсонлар тоза, ифлослигимга қарамай мени истеъмом қилишади. Кейин уларнинг баъзилари ифлослигим тўфайли турли касалликларга чалинишади.


Зилол сув шу сўзларни айтган кўзида ёш пайдо бўлди.

Болажонлар, сувларни хафа қилмаслик учун ариқларни озода тутиб, сувларга ҳеч нарса ташламаслик, ундан ташқари қранлардан келадиган сувларни керак вақтида олиб, керакмас вақтида исроф қилмаслик кераклигини унутмаслигиниз керак-а?

Сизлар ҳам бу ҳақда укаларингизга тушунтириб қўйишни унутманг, хўпми! Ана шунда зилол сувлар бизлардан хафа бўлмайди. Билдингизми?

Саидмурод САИДАХМАД

Сўранг, жавоб берамиз



Юртимизда тадбиркорлик фаолияти ривожланиб, мулкчиликнинг турли шаклларига оид компаниялар тузилаётганининг гувоҳимиз. Айтингчи, холдинг компаниянинг оддий компаниялардан қандай фарқи бор?
Р.Асқаров.

Холдинг компанияси дивиденд кўринишида даромад олиш ва улар фаолияти устидан назорат ўрнатиш мақсадида устун даражада бошқа компаниялар акцияларининг назорат пакетларини харид қилиш учун ўз сармоясини, сарфлайдиган акционерлик компаниясидир. Тадбиркорликнинг холдинг усули йирик инвестицияларни талаб этиши сабабли у бир неча жисмоний ёки юридик шахсларнинг сармояларини бирлаштириш асосида амалга оширилади.

«Меҳнат шўхрати» ордени билан тақдирланган кишилар қандай тақдирланади?

«Меҳнат шўхрати» ордени билан мукофотланган шахслар энг кам иш ҳақининг 40 та миқдори баробарида бир йўла тўланадиган пул мукофоти билан тақдирланадилар.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан чиқиб кетган фуқароларга пенсия тўлаш қай тартибда амалга оширилади?

С.Бухорова.

Чет элга доимий равишда яшаш учун чиқиб кетишдан олдинроқ тайинланган пенсиялар туман (шаҳар) меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бўлимига чиқиб кетиш тўғрисида ариза берилган кундаги ҳолатга кўра пенсия миқдори ҳисобидан чет элга чиқиб кетиш олдидан 6 ой аввал тўланади.

Бу фуқароларнинг чет элда бўлган вақти учун агар давлатлараро битимларда (шартномаларда) ўзга қондалар назарда тутилмаган бўлса, меҳнатда майибланиш ёки касб касаллиги оқибатида тайинланган пенсияларгина тўланади.

Мен оғир шароитли сувсиз чўлларда кўп йиллар давомида чўпонлик қилганман. Ҳозир Тошкент шаҳрида яшайман. Менга имтиёзли пенсия тайинланадими?

Ф.Назаров.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси ва меҳнатда доир қонунларимизга мувофиқ, сизга имтиёзли пенсия тайинланади. Чунки чўпонларга имтиёзли пенсия уларнинг қийин шароитда ишлаганликлари учун ҳам тайинланади.

Маълум муддат бедарак йўқолган ёки ўлган деб гумон қилинган шахс қайтиб келса, эр ва хотин ўртасида тузилган никоҳ масаласи қандай ҳал қилинади?

Д.Халилова.

Маълум муддат бедарак йўқолган ёки ўлган деб гумон қилинган эр ёхуд хотин қайтиб келганида ва суднинг бу ҳақдаги ҳал қилув қарори бекор қилинганда, унинг хотини ёки эри янги никоҳга кирмаган бўлса, никоҳ тикланган ҳисобланади. Бунинг учун эр-хотиннинг ариза беришлари шарт эмас. Қонун билан белгиланган тартибда бедарак йўқолган деб топилган эр ёки хотин қайтиб келганида, агар шу асосда тегишли идора томонидан никоҳ бекор қилинган бўлса, суднинг уни бедарак йўқолган деб топиши тўғрисида ҳал қилув қарори бекор қилинган, эр ва хотиннинг биргаликдаги берган аризасига мувофиқ фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш идораси никоҳни тиклайди. Агар бедарак йўқолган деб топилган шахснинг эри ёки хотини бошқа никоҳга кирган бўлса, никоҳнинг тикланиши мумкин эмас.

Жавоблар ҳуқуқшунос Ғайрат АБДУҚОДИРОВ ва таҳририят ходимлари томонидан тайёрланди.

Ҳурматли ҳамшаҳарлар! Ўзингизни қизиқтирган масалалар юзасидан 133-99-42 телефонга кўнгирақ қилсангиз малакали мутахассислар ёрдамида саволларингизга батафсил жавоб беришга ҳаракат қиламиз.



Душанба

4

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон». 8.00-8.45 «Талимон»...

8.55 Қўрашлар дастури. 9.00 «Дарв»...

17.20 Қўрашлар тартиби. 17.25 ТТВА сериал: «Санта-Барбара»...

19.50 «Ошқона». Мусий дастури. 19.55 «Телемакор»...

Б. Шербаков ва Б. Ермин «Кримнал қаврети» жанри фильмида...

6.00, 7.00 «Бугун эрталаб». 6.15, 7.40, 20.45 «Кримнал»...

10.45, 22.35 XX аср кинематографи. «Прерия» бадий фильми...

Совет 19.00 гана профилантика. 19.00, 20.55, 1.00 «Воқоалар»...

Сешанба

5

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон». 8.00-8.35 «Айборт»...

8.55 Қўрашлар дастури. 9.00 «Дарв»...

17.20 Қўрашлар тартиби. 17.25 ТТВА сериал: «Санта-Барбара»...

19.50 «Ошқона». Мусий дастури. 19.55 «Телемакор»...

Б. Шербаков ва Б. Ермин «Кримнал қаврети» жанри фильмида...

6.00, 7.00 «Бугун эрталаб». 6.15, 7.40, 20.45 «Кримнал»...

10.45, 22.35 XX аср кинематографи. «Прерия» бадий фильми...

Совет 19.00 гана профилантика. 19.00, 20.55, 1.00 «Воқоалар»...

Чоршанба

6



6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-9.35 «Айборт»...



9.00 «Давр» Аxbорот дастури. 9.15 «Янги авлод» студияси...

18.50 «Экспресс ила» 19.20, 20.10 «Экспресс» телегазетаси...



РХТ 6.30-8.00. 15.00-15.55 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ...

газета, Метехабар. 20.40 «Клпм-сoвга» Телетаб-рионома...



5.00 «Хайрли тонг» телеканалда. 8.00, 11.00, 14.00 Янгиликлар...

ўндирисон» детективлида. 20.40 «Фитил»...



6.00, 7.00 «Бугун эрталаб» 6.15, 7.40, 20.45 «Криминал»...

12.35, 20.00 «Таймслот» журна-ли. 10-сон...



8.00, 18.00 REX TVда «Fox Kids» «Темур одам» мультсериали...

11.05 Л. Мандас «Софияевне уч хайти» телесериалида...



3.00 «Ау амалии шаҳарда» мультфильми...

Пайшанба

7



6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-9.35 «Айборт»...



9.00 «Давр» Аxbорот дастури. 9.15 «Янги авлод» студияси...

18.50 «Экспресс ила» 19.20, 20.10 «Экспресс» телегазетаси...



РХТ 6.30-8.00. 15.00-15.55 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ...

газета, Метехабар. 20.40 «Клпм-сoвга» Телетаб-рионома...



5.00 «Хайрли тонг» телеканалда. 8.00, 11.00, 14.00 Янгиликлар...

ўндирисон» детективлида. 20.40 «Фитил»...



6.00, 7.00 «Бугун эрталаб» 6.15, 7.40, 20.45 «Криминал»...

12.35, 20.00 «Таймслот» журна-ли. 10-сон...



8.00, 18.00 REX TVда «Fox Kids» «Темур одам» мультсериали...

11.05 Л. Мандас «Софияевне уч хайти» телесериалида...



3.00 «Ау амалии шаҳарда» мультфильми...

Шанба

8



6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-9.35 «Айборт»...



9.00 «Давр» Аxbорот дастури. 9.15 «Янги авлод» студияси...

18.50 «Экспресс ила» 19.20, 20.10 «Экспресс» телегазетаси...



РХТ 6.30-8.00. 15.00-15.55 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ...

газета, Метехабар. 20.40 «Клпм-сoвга» Телетаб-рионома...



5.00 «Хайрли тонг» телеканалда. 8.00, 11.00, 14.00 Янгиликлар...

ўндирисон» детективлида. 20.40 «Фитил»...



6.00, 7.00 «Бугун эрталаб» 6.15, 7.40, 20.45 «Криминал»...

12.35, 20.00 «Таймслот» журна-ли. 10-сон...



8.00, 18.00 REX TVда «Fox Kids» «Темур одам» мультсериали...

11.05 Л. Мандас «Софияевне уч хайти» телесериалида...



3.00 «Ау амалии шаҳарда» мультфильми...

Якшанба 10



6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Айбоби»
8.35 «Камала»...

9.30 Е.Полосининг Кулги на-
рдамаси
10.05 «Кайрият» дам олиш да-
ставиди...

10.35 «Созмулътфильм» 65
ёшда «Созмулътфильм» 65
ёшда...

20.35, 5.05 Жаҳон кинематогра-
фи
20.35 «Политик тарихи» ҳодиси
фильми...

7.55 Кўрсатувлар дастури
8.00 «Давр тўғри»
9.00 Теленик Билекев ИТА
«Ташкент Сери» янгилар халқор-
о турини...

9.00 Дастурнинг олинчи
9.05, 12.00, 19.40 «Телехамор-
ур»...

9.00 Кўрсатувлар дастури
9.05 «Давр тўғри»
9.00 Теленик Билекев ИТА
«Ташкент Сери» янгилар халқор-
о турини...

9.00 Кўрсатувлар дастури
9.05 «Давр тўғри»
9.00 Теленик Билекев ИТА
«Ташкент Сери» янгилар халқор-
о турини...

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 10 йиллигига бағишланган



ТАНЛОВИ

Танлов йўналишлари:
1. Энг яхши фоторассом
2. Энг яхши компьютерчи-дизайнер...

Танлов икки босқичдан иборат: 1 - бошланғич тур, 2 - шахар тури.

Танлов қатнашчилари бу йўналишлар бўйича ўз ишларини кўйидаги ташкилотчилардан бирининг манзилига топширишлари керак:

- 1. Ўзбекистон Республикаси Бадий Академияси - 56-50-47
2. Дизайнчилар Халқаро уюшмаси - 53-17-73
3. «ТАСВИР» иқидий уюшмаси - 41-56-73
4. Ўрта Махсус касб-хуноар таълими бошқармаси - 133-07-10
5. Тошкент Халқаро Бизнес Маркази - 152-64-62

Энг яхши ишлар учун танлов голиблари кўйидаги мукофотлар билан тақдирланадилар:

Биринчи ўринлар - компьютер ва видеокамералар
Иккинчи ўринлар - компьютер модеми ва фотоаппаратлар
Учинчи ўринлар - компьютер видеокартаси ва фотоаппаратлар

Шунингдек ҳомишларнинг бошқа қимматбаҳо совгалари

Танловда қатнашганлар арзиво бериш мuddати 2001 йилнинг 1 августига қадар

Танлов таъсисчиси: Тошкент шахар ҳокимияти

Тўла ахборотни кўйидаги манзил бўйича олишингиз мумкин

Госпитал даҳаси, 12-уй тел.: 152-64-62, 152-64-63 факс: 152-64-61 Тошкент Халқаро Бизнес Маркази

2001 йил 14 июнь куни соат 14.00 да ўтказиладиган

«Малика» ОАЖ акциядорлари умумий йғилишининг

Кун тартиби:

- 1. «Малика» ОАЖнинг 2000 йил молиявий-хўжалик фаолияти яқунлари тўғри-ҳисобот.
2. Тафтиш комиссиясининг ҳисоботи.
3. Аудитор текшируви хулосасининг тасдиқлаш.
4. 2000 йил учун дивиденд тўловлари ҳақида.
5. «Флоранс Ко» фирмасининг «Малика» ОАЖ бўйича 2001 йил бизнес-режаси ҳақида ахборот.
6. Ташкилий масала.
7. Бошқа масалалар.

«МАЛИКА» ОЧИҚ ТУРДАГИ АКЦИЯДОРЛАР ЖАМИЯТИНИНГ БАЛАНСИ

Table with columns: Курсаткичлар номи, минг сўм, АКТИВ, ПАССИВ. Lists various assets and liabilities with corresponding values.

МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАР

Table with 2 columns: Description of financial results, Value. Lists 4 items with their respective values.

Балансининг тўғрилиги «Прогресс» МЧЖ аудиторлик фирмаси томонидан тасдиқланган.

ВАЗИРЛИКЛАР, ИДОРЛАР, БИРЛАШМАЛАР, УЮШМАЛАР, КОРХОНАЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАР РАҲБАРЛАРИ ҲАМДА БОШҚА МАНФААТДОР ШАХСЛАР ДИҚҚАТИГА!

Тошкент шахар фавкуллда вазиятлар бошқармаси қошида Фаввослар мактаби фаолият кўрсатмоқда ва бу ерда кўйидаги йўналишдаги малакали мутахассислар тайёрланади:

- 1, 2 ва 3 тоифадаги фаввослар;
чуқур сувлар тузида ишлайдиган фаввослар;
йўриқчи фаввослар;
кутқарувчи фаввослар;
сузиш бўйича мураббийлар;
кутқарувчи матрослар.

Манзилимиз: Юнусобод тумани, Хидирали Эргашев кўчаси, 4-уй.
Телефонлар: 137-56-13, 34-93-46, 67-74-45, 67-72-46.

ХАРИДОРЛАР ДИҚҚАТИГА!

Акмал Икромов тумани, Халқа йўлидаги 5-саноат зонаси ҳудудида (18-автобус саройи ёнида) куриллиш материаллари билан савдо қилинадиган янги катта, замонавий чакана бозор очилди. Харидорлар бу ерда нақд пулга ва пул ўтказиш йўли билан турли хил куриллиш материаллари (цемент, металл кувурлар, тахта, шифер, ғишт, ДВП, ДСП, сантехника жиҳозлари ва ҳоказо) ва квартираларни таъмирлаш учун зарур бўлган бошқа материалларни арзон нархларда харид қилишлари мумкин.
Муҳтарам харидорлар!
Бозорда сизларнинг хизматингизда умумий оватланиш шохобчалари, автотўхташ жойлари, шунингдек харид қилиш учун барча зарур шарт-шароитлар муҳайё қилинган.
Бозорингизга марҳамат қилиш!
Алоқа учун телефонлар:
185-85-73, 131-97-97
Бозор маъмурияти

Тошкент шахар Фавкуллда вазиятлар бошқармаси энг арзон нархларда кўйидаги махсулотларини ТАЙЁРЛАБ БERAДИ:

тақвимлар;
рисолалар;
ташир;
қоғозлар;
эълонлар;
афшалар;
бланклар;
тантаналарга таклиф қоғозлари ва буортмачи хошияга кўра кўпгина бошқа нарсарал учун бюртмалар олади.
Манзилимиз:
Юнусобод тумани,
Хидирали Эргашев кўчаси,
4-уй.
Телефонлар:
137-56-13,
34-93-46.

XXI аср маликаси

Яқинда Сирғали туманида гўзаллар кўрик-танлови бўлиб ўтди. Туман хотин-қизлар кўмитаси, ФХДБ бўлими, «Маҳалла» хайрия жамғармаси, 12-автомобил саройи, «Айсел», «Озуқа», «Севарабону» фирмалари ҳамийлик қилган бу танловда турли маҳалла ва ўқув юртлирда ўтказилган биринчи босқич голиблари иштирок этишди. Ўзбекиона латифат, ибони ўзларида жам этган 13 нафар малика турли мавзуларда бахшлашди.

Ватанимизда хотин-қизларга, оналар ва болаларга курсатилган гамхўрликлар, шу хусусда туманда

амалга оширилган ишлар ҳақида иштирокчилар тўқин-ланиб сўзлаб беришди. Ватан, она, Мустақиллик мавзуларида куй, кўшиқ, рақслар ижро этишиб, халқ амалий санъатига доир билимларини намойиш этишди.

Кўрик-танлов голиблари Абдурахмон Жомий маҳалласида истиқомат қилувчи Камола Эрматовага насиб этди. Энди Камола шахар кўрик-танловида қатнашад.

Танлов сўнгиде ҳамийлар томонидан қатнашчиларга совғалар улашилди.

Абдурашул МУРОДОВ

ЗЕБОЛИК СИРЛАРИ

Сартарошлар санъати

Томошабинларни лол этди

Ушбу театрда санъаткорлар эмас, балки сартарошлик санъатининг усталари — моҳир сартарошлар ўзларининг ажайиб чиқишлари, туркум ишлари билан томошабинлар эътиборини қозониб келмоқда. Уларнинг бу галги чиқишлари «Биллур куй» деб номланди. Ушбу шоу спектаклда нафақат тажрибали усталар, шу билан бирга ёш, изланувчан сартарошлар ҳам иштирок этишди. Хар бир туркум ўзига хослиги билан ажралиб турди. Айниқса, Елена Василеванинг «Қизил ва қора», Аропат Шарипованинг «Денгиз дунёси», Клара Рашидованинг «Минг бир кеча» туркум соҳ турмак-лашлари, моҳир сартарош Миржалол Исамухамедов ҳамда энг ёш қатнашчи Абдулла Солихонинг ўзига хос маҳоратлари томошабинларга алоҳида завқ бағишлади.

— Театримиз 1999 йилда ташкил этилган бўлиб, асосий мақсадимиз ўзбекистонлик сартарошларнинг бу кунининг талаби асосида изланиб, ижод қилиб, юртимиз муваффақиятларидан илҳом олиб

замон билан ҳамнафасликда нималарга қодирликларини намойиш этишди, — дейди «Лазоқат» фирмаси бош директори уринбосари Улуғбек Боисов. — Шу билан бирга одамлар қалбига бўзалмайдиган завқ олиш туйғусини солиш, маънавий юксалишига муҳим ҳисса қўшишди. Бугун бу борада 19 нафар сартарош бор маҳоратини намойиш этиб, томошабинлар олқишга сазовор бўлди. Янги туркумлар яратилди, тажриба алмашилди.

Шоу спектакль якунида энг юксак касб маҳоратини намойиш этган, ўз ишига ижодкорлик билан ёндашган барча усталарга «Лазоқат» соҳ турмак-лаш театрининг дипломлари ҳамда «Проктер энд Гэмбл» компанияси «Pantene Pro-V Rich» савдо маркази, «Нескафе» савдо маркази, «Совелпаститал» қўшма корхонаси, «Адида» дукони, Машиш хизмат марказининг совғалари топширилди.

Динора ГУЛОМОВА

СУРАТДА: театрга намойиш этилган «Табиат инъомлари» соҳ турмаги.



Соч турмагининг ташки қўри-нишингизга, кийимингизга, об-хаво ва табиатга мослиги, касбингизга хослиги албатта, ўзингиз ҳамда ён-атрофингиздагиларнинг кайфиятини кўтариши табиий. Соч турмаклашининг янги туркумларини яратиб, икки йилдирки ўз маҳоратларини томошабинларга намойиш этаётган янги театр — соҳ турмак-лаш театрининг бу борадаги изланиш ва ижоди муваффақият-лидир.

ШАНБАДАН ШАНБАГАЧА: МУНАЖЖИМ ТАВСИЯЛАРИ

Хайру саховатли бўлайлик

● **2 июнь — шанба (Ойнинг 10/11 кун).** Бутун ой давомида Ой тасири энг кучли намоён бўлади-ган кун. Жисмоний куч-қувват нозик маънавий қудратга айланиши рўй беради. 24-36 соатлик рўза тутиш фойдали. Бутун шугулланадиган хар қандай ишни ба-жаришда эътиборли ва ҳушёр бўлинг. Бошлаган иши-гини охирига етказинг.

Пешоб йўллари аъзолари нозиклашиб, хасталик-ларга мойил бўлади. Аччиқ, шур таомларни тановул қилишдан тийилнинг. Геморрой безовта қилиши, қаб-зятдан озор чекишингиз мумкин. Эндокрин тизими, томоқ, нафас йўллари хасталиқлари, тумонин до-волашингиз мумкин. Пешоб йўлларида, ички моддалар алмашинуви беазлари, ўт пуфаги, йўсон ичакда жар-роҳлик операциялари тавсия этилмайди.

Тушларингиз беҳаловат, ноҳуш бўлиши мумкин. Лекин улар пуч бўлади.

● **3 июнь — яқшанба (Ойнинг 11/12 кун).** Мазкур кеча-кундузда Ой сайрасининг тасири одамларда меҳр-шафқат, мурувват ва саховат туйғуларини јуш урдиради. Бировлар дарди-хасратига хайрихолик, ҳамдардлик кайфияти устун бўлади. Кунни холироқ жойда ёки иш билан банд бўлиб ўтказишга ҳарат қилинг. Ўз ҳиссиётларингизга кулоқ тутиб, уларга эъти-борли бўлинг.

Дағал овқатлари камроқ истеъмол қилиб, улар-дан эҳтиёт бўлишга интилинг. Шу кунни ўпка ва юкори нафас йўллари тозаловчи муолажалар яқши са-мара беради. Юракка оғирлик тушадиган ишлардан мутлақо узокроқ бўлишга ҳарат қилинг. Жисмоний машқларда фаолликка интиланг.

Қурадиган тушларингиз, айниқса, уларнинг шахсий ҳаётингизга тааллуқлилари башоратли бўлиб ҳатто унчалик ёқимли бўлмаган тақдирда ҳам уларга амал қилишга интилинг.

● **4 июнь — душанба (Ойнинг 12/13 кун).** Бу куннинг рамзи ўз думини тишлаётган илондир. Шу кеча-кундузда рамзи сайёралар кўламиде ҳам (Кўёш ҳаракати), инсон танасида ҳам қувватнинг ҳаракати-ни қон айланишининг кучайишини билдиради. Сутка давомида тананинг яшариш жараёни фаол кечади. Нафас олиш ва серҳаркат машқлар фойдали бўла-ди. Ниш урган дон ундан тайёрланган нонни истеъм-ол қилинг. Бу нонларни иссиғида ёйиш «пахтадек» юмшоқ тузилишга эга бўлганлар учун айниқса фойда-ли.

Қурадиган тушларингиз ҳақиқатга яқин ва жуда ўзи-га тортадиган бўлишга қарамай, улар ўнгидан кел-майди — бу тушларингиз ҳақиқатга ўйлардан қанча-лик тез ҳолос бўлсангиз — шунча яқин.

● **5 июнь — сешанба (Ойнинг 13/14 кун).** Та-нага энгиллик берилмайдиган кун. Танадан суюқликлар чиқиши бир мунча фаоллашиши муносабати билан йўсон ичакни тозаловчи муолажа фойдали бўлади. Шу кунни истеъмол қилинган ортика суюқликлар тана аъзо-лари ишини бўзиши мумкин. Хар қандай жисмоний иш фойдали. Қўзларингизни толиқтирманг. Танбал-

лик ва сабабсиз тушқунлик кайфиятга берилманг.

Ўпка хасталиқларини доволаш учун бу кун кулай бўлиб, хар қандай нафас олиш машқлари фойда келти-ради. Шу кеча-кундузда об-хаво ҳудди бекорор бўлиб, кўпинча белнинг пастидан болдиргача оғирлик сези-лади. Айниқса вена қон томирлари, болдир мушакла-рида ноҳушлик сезилади. Уларга эҳтиётлик билан му-носабатда бўлинг.

Кўрган тушларингиз башоратли бўлиб, уларнинг кўпчилиги ўнгидан келади.

● **6 июнь — чоршанба (Ойнинг 14/15 кун).** Тулин ойнинг одам танасига таъсири айниқса кучли бўлади. Бу — қалитс кун бўлиб, ҳирсий туйғулар ўз оғуши-ни тортлади. Енчобарин, ҳиссиётларингизни жи-ловлашишга, уларга эрк бермасликка ҳарат қилинг. Ўз-ўзингизнинг ҳаракат ва ҳиссиётларингизни назорат қилиб, интизомли бўлишга интилинг.

Ортиқча куч-гайратингизни жисмоний ишларга сар-флашингиз ёки спортнинг мусобақалашини талаб этадиган серҳаркат турлари билан шугулланишингиз мумкин. Ритмик рақслар танглиқдан ҳалос этувчи таъ-сирчан муолажадир.

Ошқозон-ичак йўллари бироз нозиклашган бўлиши мумкин. Исик овқат тановул қилиш, ортика туйиб таом ейишдан тийилиш фойдали бўлади. Ошқозон-ичак йўллари, ўт пуфаги, жигари тозаловчи муолажалар самарали бўлиши кутилади.

Қурадиган тушларингиз қанчалик ёрқин ва жозиба-дор бўлмасин, уларга ишонманг. Зеро, бу тушларингиз пуч бўлади.

● **7 июнь — пайшанба (Ойнинг 15/16 кун).** Мазкур кеча-кундузда Ой сайрасининг таъсири ҳамма нарсда уйғунлик ва мувозанатни таъминлай-ди. Ўзингизни осойишта, босиқ-вазмин тутинг. Атроф-муҳитдаги соқинлик, ҳаммагангликни бирон-бир но-жўя ҳаракат билан буза қўрманг. Чунки бунинг оқибати яқши бўлмайди. Ҳамма нарсда меъёрга риоя этсан-гиз, кунингиз яқши ўтади. Шовқин-сурон, музикани баланд қўйиб эшитиш, безориларча ҳаракатлардан эҳти-ёт бўлинг.

Суюқларга, айниқса тизза суюқларга ортикак юк тушириш жиддий оқибатларга олиб келиши мумкин; Тишларни доволаш, олиб ташлаш ва сунъийларини қуйдириш тавсия этилмайди.

Бу кеча қўрган тушларингиз башоратли бўлади. Улар сизнинг ҳаётдаги энг эзгу интилишларингиз йўлини кўрсатиб бериши мумкин.

● **8 июнь — жума (Ойнинг 16/17 кун).** Мазкур кеча-кундузда Ой сайрасининг ахборот-энергетика таркиби одамларда яқши кайфият, эзуқлиқларга инти-лиш туйғуларини јуш урдиради. Атрофга яқшилик уру-ғини сочишга интилинг. Бева-бечорлар, муҳтожага меҳр-шафқат, мурувват кўрсатинг. Бу сизга ўн ҳисса бўлиб қайтади.

Тананинг суюқ бўғимлари бир мунча заифлашиб, хасталиқларга мойил бўлади. Доимий қилиб юрган му-олажаларингиз, урган дори-дармонлардан фойдала-нинг. Узок сафаларини бошқа кунга қўйиб, оила дав-расида кўпроқ бўлишга ҳарат қилинг. Зеро, оилавий аъналарани тиклаш ва мустаҳкамлашда бунинг аҳими-яти қатта. Ўт пуфаги, жигар, ошқозон-ичак йўлларида жарроҳлик операциялари бунинг тавсия этилмайди.

Кўрган тушларингиз ўнгидан келади — агар уларни саҳар пайтида кўрсангиз.

УЧИНЧИ ГУЛШАН

(Охири).

Бир чигал банд кўнглимга ўрнашиб, қаддимни чангадек эгиб қўйди. Ушбу муаммони тафаккур тирноғи билан қовлаб, илм қармоғи билан очингиз. Агар бу мушкулот ҳал бўлмаса, барчангиз қаҳру ғазабига муб-тало бўлуризи. Ошингизга заҳар солиб, бошингизни ханжар билан кес-диурман.

Султондан бу сўзни эшитган аҳли уламо, унга таъзим қилиб арз қўлиб, сенинг ҳукминг хаммаминг учун фарзиди. Бинобарин, ўша кўнглимга ўрнашган чигалликнинг сир-асорини бизга баён қил Токи жонимиз бор экан ҳаракат қилайлик дедилар. Султон фузало аҳлига қизининг ишларини изҳор қилиб, унинг паймони аъло бўлигани баён қилди. Хат назм билан бошланиб, охириги мисраси маълум эмас. Ик-кинчи мисрада фақат «То» ҳарфи мавжуддир. Мисранинг қолган қисми-ни йўқлиги не мудоасни билдирадур? Ғайб зулматидан бу сирни ким ошкор қилса, қарам юзасидан уни халойиқ ичра эъзозлаб, сарафроз қилурман.

Бу мушкулотни эшитган барча уламо, бу фосид қаёлот эканига амин бўлиб, ёруғ дунёдан умидларини узиб, жон ваҳмида султоннинг сўзла-рини қабул қилиб, мазкур муаммони ечмоқ учун ун кун муҳлат сўради-лар. Биз хаммаминг учун бир ерга тўпланиб, фикрни бир нуктага келти-райлик. Шоядқи ҳизр раҳнамо бўлиб, мақсад дурри гавҳари қўлга кир-са, дедилар. Султондан изозат бўлган, хаммалари бир ибодатхонага йиғилдилар. Улар энди дунёдан умидлари узилганини ҳеч кимдан яшир-мадилар. Онадан тугилганларига афсус-надоматлар қилиб, ўлмоқлари-га рози эдилар. Улар Оллоҳга муножот қилиб, унинг зикри билан маш-ғул эдилар.

Ҳазрат Саъдий Шерозий султоннинг ўлган қизини Оллоҳнинг инояти билан қайта тирилтириб ҳаёт уммонига киритгани.

Машойиҳлар сарвари Саъдий Шерозий кашфу қаромат сирларидан воқиф бўлган саҳобалардан эди. Тарикат йўлида солиҳ, ҳақиқат кишва-рларга молик эди. Валилик марказининг кутби, қароматгўйлик борасида дурри якто эди. Тасаввуф илмида яқнао яғона, асар арборлари ичра таърифга лойиқ эди. Қўл илмлардан хабардор, ҳақиқат илмига қошиф, қаромат-қудрати улуғвор эди. Шерият мулкига мезон эди.

Кунлардан бир кун ул зотга қаромат изосидан Пешохур вилоятда қатли ом (оммавий киргин) юз беражаси маълум бўлди. Чунонки фуза-лолардан бир нечаси беғуноҳ қатлга учраб, йўқлик саҳросида саргар-дон бўлурлар. Уларни бир жоҳил султон амри билан беғуноҳ халок қилур-лар. Бу ҳодиса фалон кунни содир бўлур, бир неча ёш болалар етим қолур деб аён бўлди. Бу машум ҳодиса Шайх Саъдийга маълум бўлди. Шероз эди билан Пешохур оралиги сафар аҳлига анча олис йўл эди. Массо-фа муддати бир ойлик бўлиб, йўлнинг бошидан охири саҳрою чўлу бие-бондан иборат эди. Мазкур машум бағир унга аён бўлган, худонинг инояти билан бир тундақ Пешохурга етиб келди. У фузалолар йиғилган даргоҳга бориб, улар билан бир-бир қўришиб, улардан ҳол-аҳвол сўра-ди. Фузалолар султоннинг айтган сўзларини унинг талабларини бир-бир баён қилдилар.

Шайх Саъдий уларга дедиким: — Эй айбсиз, беғуноҳ алломалар, агар Оллоҳ қарам қилса, султонингизнинг матлабини мен рўёбга чиқарур-ман. Бу ҳақда султонга хабар беринг! Токи бу иш содир бўлса, султон-нинг кўзи равшан тортиб, мажлиси гулшанга айлангай.

Бу сўзни эшитган барча уламолар ҳушхол бўлиб, султон ҳузурига бориб, Шайхнинг сўзларини баён қилдилар. Султон севинганидан пие-да йўлга тушиб, Шайх истиқболига етишди ва тавозеъ билан қўришиб, ҳол-аҳвол сўради. Султон Шайхга барча бўлган воқеаларни ростлик билан сўзлаб берди ва сўзининг ниҳоясида бир гуруҳ беғуноҳ уламо-ларни тутиб, улардан мадад истаётганини ҳам айтиб ўтди.

Шайх султонга боқиб: — агар ўшал йўқлик оламига кетган қизинг яна қайтадан бу ёруғ дунёга келса не қилурсан? Агар бу мушкулот кўнглимга маъқул бўлса, аини мудада бўлгай, яъни бу мушкулнинг дарҳол ечилгай. Бу ҳақда не дерсан, менга ростини айт! — деди.

Эй қомил ва оқил меҳмон, сенинг сўзларинг мени ҳушунд қилди. Агар Исо Масиходек ўлини тирилтирадиган бўлсанг, сени ўзини пири мурид тутиб, мурид бўлгайман — деди Султон. Султондан бу сўзни эшитган, Шайх ҳаммага эшитдириб шундай деди: Қизинг охири сўзни айтолмай «То» деб, кўзини юмди.

**Жанони маро баман биёрди,
Ин мурда танам бадун сипорид.
То бўса занад бар ин лабонам,
Гар зинда шавам ажаб наздорид.**

Таржимаси:
**Жонимни манга келтиринг,
Ўлик танамни унга топширинг.
То манинг лабларимдан ўпса,
Агар тирилсам ажабланманг.**

Шайх султонга дедиким, энди шахар ва қишлоқларда, маҳалла-гу-зарларда бир жарчи халойиқ орасида юриб, «Султон қизининг содиқ кишиси ким, ҳақиқий ошғия қим?» деб, жар солсин. Токи қизинг ҳақиқий ошғия йигити ўзини маълум қилгай! Султоннинг амри билан бу ишга бир киши тайинланиб, Пешохур шаҳрининг барча куча-кўйларида айла-ниб жар соларди. Ниҳоят, жарчининг йўли вазираинг кўчасига тушди. Жарчининг нидосини эшитган вазирзода муҳаббат гайратидан јушиб, оёқ-қўлларидеги занжирларни узиб қўчага чиқди. У жарчига қарата, сул-тон қизининг ошғия мен эрурман, муҳаббат йўлида содиқи мендурман, деди. У девона сифат ҳар ёнга огуриб, қўздан ёш оқиб, мастона де-ворга бош уриб, агар қуйдирса қуймоққа тайёрман, агар улдирса ўлмоққа лойиқман, дедди.

Дарҳол вазирзодадан отга миндириб султон ҳузурига олиб бордилар. Шайх вазирзодаининг қўлидан ушлаб, ўликнинг тасарига олиб кирди. Эй ошғия содиқ, бу парданинг остида сенин маҳбубанг ётибдур. Сен унга муҳаббат илқида жом тутгин, висол миндан жом тутгин! — деди Шайх. Вазирзода дарҳол ўзини ўлик устига ташлаб, ўликнинг лабларидан ўтди. Йигитнинг нафаси жасадга тегиши билан қизинг руҳи қайтадан танга кирди. Қизнинг қуруқчаган аъзолари сувдек эриб, бир неча марта акса уриб, қайтадан тирилди. Шундан сўнг, қиз бошини кўтариб, ўрнидан туриб ўтирди.

Султон шахар аро шодидега ногораларини чалишга амр қилди. Ҳисоб-сиз қўй, от ва туяларни сўйдириб, қатта тўй қилиб, қизини вазирзода-нинг никоҳига киритди. Шайх эса қиз билан йигитнинг никоҳ хутбасини ўқиди. Шайхдан бу яқши амални кўрган шаҳарнинг барча аҳли унга мурид бўлиб, иродат қўлини бердилар. Султон ҳам бундан сўн фақат хайрли ишларни андеша қилиб, адолатни ўзига мезон қилиб олди.

Тургун ФАЙЗИЕВ тайёрлаган.

Шарқ дурдоналари

03-03 ўрганиш Домо бўлу...

● Уч нарса ақлга куч беради: олимлар билан суҳбат, тажриба ва сабот. Уч нарса ақлга зарар келтиради: тadbир-сизлик, ҳафсаласизлик ва шошқалоқлик.

● Вақти келганда баъзи нарсалар учун жонни фидо қилиш мумкин. Аммо номусни ҳеч нарсага фидо қилиш мумкин эмас, чунки номус жондан ҳам қимматлидир.

● Сўз дорига ўхшашдир, ортиқчаси зарар келтиради.

● Яхшилар яхшисини ажрата олиш ҳунар эмас, аммо ёмонлар яхшисини ажрата олиш ҳунардир.

● Бахт-саодатни изласангиз топа олмайсиз, зимман-гиздаги инсоний вазифаларни адо этинг — бахтнинг ўзи келади.

● Фазилат фарзанд кабидир. Уни авайлаб сақлаш ва янада баркамол этиш лозим.

● Тарбиянинг икки асоси бор: фазилатни кўриқлайдиган гўзал ахлоқ ва ярамас йўлдан, ёмон аҳволга тушишдан сақлайдиган ҳушёрлик.

● Донолардан ўрганиш ва ўрганган нарсаларни бошқаларга ўргатиш энг буюк инсоний белгилардандир.

● Луқмони Ҳаким ўз ўғлига шундай насиҳат қилди:

— Ўғлим, нодон ва жоҳил-бир киши сен билан бирор масала устида баҳслашиб қолса, сен унга мулоимлик билан жавоб бер. Агар у сенинг жавобингдан қаноатланмай, жаҳли чиқа бошласа, сўзингни яна қайтариб айтма, у билан олишиб ўтирма, сукут қил.

Сўзинг нафъ этмаса, қилма иода*
Бўлу айтган саринг жаҳли зиёда.

● Бир донишманддан сўрадилар:
— Қандай қилиб илмнинг энг юқори чўққисига чиқдинг. Донишманд шундай жавоб берди:

— Билмаган, тушунмаган нарсамни олимдан ҳам, оддий кишидан ҳам, каттадан ҳам, кичикдан ҳам сўрадим. Бу тўғрида уялмадим, номус қилмадим, ўзимни юқори тутиб, мутакаббир бўлмадим.

**Уялма маърифатни ўрганурдан,
Танур жойинг бўлу, қолсанг танирдан.**

● Дўст — муҳтожликда, ёр — меҳнат чоғида билинади. Бир донишманддан: «Қанча дўстинг бор?» деб сўрадилар. Донишманд шундай деб жавоб берди:

— Қанча дўстим борлигини билмайман. Ҳозир турмушим яхши, умрим фаровонлик билан кечиб турибди. Шунинг учун ҳамма менга хушомад қилиб, ўзларининг дўст эканликларини билдириб турибдилар. Мабодо давлатим қўлдан кетса, у чоқда қанча самимий дўстим борлигини билиб оламан.

● Бир донишманд шундай деди:

— Истироҳат ва уйкуга майл қилмасдан илгари шу уч нарсани эсингизга туширинг. Аввало, бугун сиздан бирор хато иш ўтди, йўқми? Агар ўтган бўлса, қандай тadbир билан тузатиш мумкин? Шуни ўйланг.

Иккинчидан, бугун халқ манфаати йўлида бирорта хайрли иш қилдингизми, йўқми? Шунинг андишасини қилинг. Учинчидан, эсланг, бепарволигинг ва ишга совуққонлигингиз тўғрисида қайси ишингиз амалга ошмай қолди?

● Бир фозил кишидан сўрадилар:

— Кўп одамлар мол-давлати кўпроқ бўлган кишига дўст бўладилар, бунинг сабаби нима?

— Мол-давлат бундай одамларнинг — маҳбуби, маҳбуб қаерда бўлса унга таъзим қиладилар.

● Арасту Ҳаким айтади:

— Дунёда ҳаммадан кўра ҳасадчининг юки оғирдир, чунки у бахтли одамларни кўролмай, ҳасад тўғрисида қиладиган ҳамма қайғу-аламлар юкини ўз устига ортиб юради.

* Иода — такорлаш, қайтариб айтиш.

ОИЛА ДАВРАСИДА

БИЛИБ ҚЎЙГАН ЯХШИ

Дарахтингиз қайси?

Ҳар бир инсоннинг биоэнергетика хосиятларига кўра, ўзига яқин бўлган дарахти бор. Айнан у сизнинг соғлигингиз посбони ҳисобланади. Агар ўзингизни ёмон ҳис этсангиз, шу дарахтга келинг, унга суянинг, ўзингизни бўш тутиб, япроқлар шитирлашга қулоқ тутинг. Барча фикрларни унутиб, уларга қўшилиб кетинг. Шунда улар ўз қувватини сиз билан баҳамлашади.

Қуйида дарахтлар ва одамларнинг туғилган кунига мувофиқ ўзаро боғлиқлиги тизими келтирилади. Бу қадимги Галлия донишмандлари томонидан тузилган.

- ЯНВАРЬ — 1 олма, 2-11 қорақарағай, 12-24 қайрағоч, 25-31 сарв;
- ФЕВРАЛЬ — 1-3 сарв, 4-8 жўка, 9-18 кедр, 19-29 қарағай;
- МАРТ — 1-10 самбит, 11-20 жўка, 21 эман, 22-31 ўрмон ёнғоғи;
- АПРЕЛЬ — 1-10 четан, 11-20 заранг, 21-30 ёнғоқ;
- МАЙ — 1-3 терак, 15-24 каштан, 25-31 шумтол;
- ИЮНЬ — 1-3 шумтол, 4-13 қайин, 14-23 анжир, 24 оқ қайин, 25-30 олма;
- ИЮЛЬ — 1-4 олма, 5-14 қорақарағай, 15-25 қайрағоч, 26-31 сарв;
- АВГУСТ — 1-4 сарв, 5-13 терак, 14-23 қарағай, 24-31 ёнғоқ;
- СЕНТЯБРЬ — 1-2 ўрмон ёнғоғи, 3-12 самбит, 13-22 жўка, 23 олхўри, 24-30 ўрмон ёнғоғи;
- ОКТЯБРЬ — 1-3 ўрмон ёнғоғи, 4-13 четан, 14-28 заранг, 29-31 ёнғоқ;
- НОЯБРЬ — 1-11 ўрмон ёнғоғи, 12-22 каштан, 22-30 шумтол;
- ДЕКАБРЬ — 1 шумтол, 2-11 қайин, 12-21 анжир, 22 қорақайин, 23-31 олма.

Мирзамир МИРЗАШАРИПОВ тайёрлади.

БЎШ ВАҚТИНГИЗДА

Айланма кроссворд-чайнворд


Белгиланган хонадан ракам атрофига соат мили йўналишида: 1. Кичкинтойлар журнали. 2. Ҳикматдан: Соғлом ... келажак таянчи. 3. Билим манбаи. 4. Фарзанд дунёга келганда ўтказиладиган маросим. 5. Байрам олди куни. 6. Қўшиқ. 7. Касб-ҳунар ўргатувчи мураббий. 8. Ўткир ақл соҳиббаси. 9. Истеъдодли ўқувчилар илмгоҳи. 10. Болажонлар ётоғи. 11. Миллий спорт тури. 12. Муваффақият. 13. Она юрт. 14. Хузуур-ҳаловат. 15. Кичкинтойлар муассасаси. 16. Орзу-истак, қизиқиш. 17. Соғлом бўлиш асоси. 18. Эгизак қизалоқ исми.

Чайнворд

19. Волидаи муҳтарамалар қўшиғи. 20. Билим ихлосмандлари орзусидаги баҳо. 21. Болаларнинг ёзиғи ўйини. 22. Қизалоқлар ўйинчоғи. 23. Маълум соҳага оид дарслик. 24. Хулқ-атвор, юриш-туриш маъромлари мажмуи. 25. Шодлик, севинч. 26. Ўғил болаларнинг

кўкламги ўйини. 27. Ёшлар жамғармаси. 28. Болажонлар севадиган жумбоқ. 29. Болажонлар эрмаги, табиий ашё. 30. Ўзбекистон халқ шоири, болалар учун асарлар муаллифи. 31. Вақт ўлчови. 32. Ҳикматдан: Она билан бола — гул билан ... 33. Илгари яшаб ўтган отабоболар. 34. Оилада қўлидан келган ишларни бажарувчи фарзанд. 35. Мард, ватанпарвар тимсоли сифатида ардоқланган ўзбек халқ достони қаҳрамони. 36. Билим маскани. 37. Мусо Тошмуҳаммад ўғли Ойбек кассаса. 38. Истикбол. 39. Таниқли, ёш хонанда ва киносанъаткор «Кичкина табиб» ихроҷиси. 40. Фурсат, пайт. 41. Ёш авлодни ҳар жиҳатдан мукамал бўлиб ўлгайишида амалга ошириладиган меҳнат ва гамхўрлик. 42. Кичкинтойлар муассасаси. 43. Ижодий қобилият, лаёқат. 44. Дили, кўнгли яқин инсон. 45. Футбол анжومي.

Тузувчи Фозилжон ОРИПОВ




Газетанинг 25 май сонидан чиққан бошқотирманинг жавоблари:

Ёйлар бўйича: 1. Байроқ. 4. «Навойи». 7. Жамбул. 10. Аммиак. 13. Чортоқ. 16. Ободон. 19. Новот. 22. Компас.


Диагональ бўйича: 2. Аллома. 3. Оттава. 5. Аслаҳа. 6. Исфара. 8. Андиша. 9. Искана. 11. Миллат. 12. Адолат. 14. Оразий. 15. Оғажий. 17. Боксит. 18. Оқибат. 20. Октава. 21. Орбита. 23. Одесса. 24. Аланга.

Ёйлар бўйича «занжир» ҳолида: 25. Афлотун. 26. Нилуфар. 27. Рудакий. 28. Йилнома. 29. Алабама. 30. Арктика. 31. Автобус. 32. Сметана.


РАССОМ ХАНДАСИ



— Янги рулга ўтирган ҳай-довчи йўлда.



Изоҳнинг ҳождати йўқ.



— Ярим соатдан бери чекишнинг зарари тўғрисида гапиряманку, сиз бўлсангиз сигаретни бурқситиб ўтирибсиз-а.

Абдурашад Ҳакимов
чиқарган расмлар.

БЕКА

Гидамларни сақлаш

◆ Кўп босиладиган гилам остига юмшоқ мато ташлаш керак, ёки гиламининг ҳолатини ўзгартириб алмаштириб тўшаб туриш лозим.

◆ Гидамлар ҳафтада бир марта супурги ёки чанглотгич билан тозаланади, бунда қаттиқ чўтка ишлашмаслик керак, гиламини патига тескари томонидан супуриш, тозалаш ҳам тавсия этилмайди.

◆ Гидамни кийим қуриладиган дорга ташлаб ёки осиб қўйиб қоқиш мутлақо мумкин эмас — бунда гиламнинг арқоқ иллари шикастланади, гилам тўзай бошлайди.

◆ Гидам қоқишда тез эгиловчан новда ишлатиш тавсия қилинади.

◆ Жундан тўқилган гиламини куя ва гилам кўнгиз ейди (лекин яшил рангли гиламлар бундан мустасно, яшил рангдан бундай ҳашаротлар қочади).

◆ Жун гиламларни ёз пайтида тозалаб, қурииб, ўрам тарзда ўраб қўйган яхши. Бунда нафталин сепиш керак ёки қатларига нафталин солинган халтачалар ташлаш лозим, гиламни текис сиқиб ўраш, яхши-си текис ёмон атрофига ўраб қўймоқ керак. Устидан газета ўраб, полиэтилен қолға солинади.

◆ Гидамнингизни кимёвий тозалатишдан аввал оқ латта билан артиб кўринг, ранги айнимаслигига ишонч ҳосил қилиш керак.

Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА
тайёрлади.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Адлия бошқармаси бошқарма бош мутахассиси Махмуджон Уринбоевич Раҳмоновга падари бузруквори

УРИНБОЙ отанинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент шаҳар ҳўжалик судининг жамоаси Тошкент шаҳар ҳўжалик судининг судьяси Назоқат Оруджевна Аббасовага оналари

Қундуз ая АБДУЛЛАЕВнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.



Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Манзилмииз: 700000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотингиз кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:

хатлар — 133-29-70;
эълонлар:
133-28-95, 132-11-39,
факс: (3712) 133-29-09.

Ҳазим — 2 бекма табоқ офет усулини босқани. Қого битими А-3

Душанба, чоршанба
ва жума
куллари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 209

Газета Ўзбекистон Давлат матбуот қўмитасида 10-қирғин баъли рўйхатта олмиган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардан почта булимларига ёки «Тошкент почта»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида тегилиди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашрий-матбос акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Тўрон» кўчаси, 41-ўй.